

Ўзбекистонда бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари 2026 йил январь-июнь


- I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси
- II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши
- III. Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари
- IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар
- V. Фойдали ҳаволалар

I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йил январь-июнь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **664 914,4** млрд сўмни ташкил этди. 2025 йил январь-июнь ойларида нисбатан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг реал ўсиш сурати **116,9** %ни ташкил этди.

Маълумот учун: 2025 йил январь-июнь ойларида хизматлар ҳажми **539 045,2** млрд сўмни ташкил этиб, бу 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **13,3** %га кўп. Мазкур пресс-релизда келтирилган маълумотлар дастлабки ҳисобланади ва қўшимча маълумотлар келиб тушишига қараб кейинги нашрларда аниқлаштирилиши мумкин.

1-расм. Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръати
2025–2026 йиллар январь–июнь ойлари



II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши

2026 йилнинг январь-июнь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши **41,3** фоизни (**274 435,8** млрд сўм) ташкил этди. 2025 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан реал ўсиш суръати **119,4** фоизга тенг бўлди. Умумреспублика кўрсаткичи ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳам ўз ичига олади. Шу сабабли ҳудудлар бўйича жами ҳажмлар Ўзбекистон Республикаси бўйича якуний кўрсаткичга тўлиқ мос келмаслиги мумкин.

Ҳудудлар кесимида энг юқори ҳажм Самарқанд (**47 293,2** млрд сўм ёки жами бозор хизматлари ҳажмининг **7,1** фоизини ташкил этган), Тошкент (**45 717,5** млрд сўм ёки **6,9** фоизини), Фарғона (**44 161,4** млрд сўм ёки **6,6** фоизини) ва Андижон (**33 988,9** млрд сўм

ёки **5,1** фоизини) вилоятларида кузатилди. Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **9 521,7** млрд сўмни ёхуд умумий хизматлар ҳажмининг **1,4** фоизини ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги асосий кўрсаткичлари
2026 йил январь-июнь

	Ҳажми, млрд сўмда	Улуши, %да	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси ¹	664 914,4	100,0	116,9
ҳудудлар:			
Қорақалпоғистон Республикаси	19 731,3	3,0	116,4
Андижон вилояти	33 988,9	5,1	116,1
Бухоро вилояти	25 573,4	3,9	116,2
Жиззах вилояти	14 745,9	2,2	116,1
Қашқадарё вилояти	31 302,4	4,7	115,8
Навоий вилояти	16 083,2	2,4	118,9
Наманган вилояти	30 701,1	4,6	115,9
Самарқанд вилояти	47 293,2	7,1	116,2
Сурхондарё вилояти	20 773,3	3,1	115,6
Сирдарё вилояти	9 521,7	1,4	116,9
Тошкент вилояти	45 717,5	6,9	116,3
Фарғона вилояти	44 161,4	6,6	115,7
Хоразм вилояти	23 190,2	3,5	116,3
Тошкент шаҳри	274 435,8	41,3	119,4

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар кесимидаги ҳажми](#)

2026 йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳридан ташқари, кўрсатилган бозор хизматларининг энг юқори реал ўсиш суръати Навоий (**118,9 %**), Сирдарё (**116,9 %**), Қорақалпоғистон Республикасида (**116,4 %**), Хоразм (**116,3 %**), Бухоро (**116,2 %**), Самарқанд (**116,2 %**), Жиззах (**116,1 %**) ҳамда Андижон вилоятларида (**116,1 %**) кузатилди.

Ўзбекистон бўйича 2026 йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **17 325,4** минг сўмни, 2025 йилнинг январь-июнь ойларида эса **14 297,7** минг сўмни ташкил этди. Реал ўсиш суръати **114,8%** га тенг бўлди.


Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида қайд этилди – **85 890,0** минг сўм. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан **16 652,5** минг сўмга ошган. Шунингдек, Навоий (**14 421,8** минг сўм), Тошкент (**14 398,7** минг сўм) ва Бухоро (**12 108,1** минг сўм) вилоятлари ҳам нисбатан юқори ўринларда. Энг паст кўрсаткич эса Сурхондарё вилоятида (**6 869,5** минг сўм) қайд этилди.

¹ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда.

**Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг
ҳажми ва ўсиш суръати кўрсаткичлари**
2026 йил январь-июнь


	Ҳажми, минг сўмда	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	17 325,4	114,8
ҳудудлар:		
Қорақалпоғистон Республикаси	9 590,9	115,2
Андижон вилояти	9 618,8	114,1
Бухоро вилояти	12 108,1	114,6
Жиззах вилояти	9 374,4	114,0
Қашқадарё вилояти	8 389,1	113,5
Навоий вилояти	14 421,8	117,1
Наманган вилояти	9 587,5	113,8
Самарқанд вилояти	10 756,5	114,1
Сурхондарё вилояти	6 869,5	113,2
Сирдарё вилояти	10 028,1	115,1
Тошкент вилояти	14 398,7	114,3
Фарғона вилояти	10 418,9	113,7
Хоразм вилояти	11 179,8	114,3
Тошкент шаҳри	85 890,0	116,9

2-расм. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажми
2026 йил январь-июнь, минг сўм



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг юқори ўсиш суръати Навоий вилоятида (**117,1 %**) қайд этилди. Шу билан бирга, кўрсаткичнинг юқори динамикаси Қорақалпоғистон Республикаси (**115,2 %**), Сирдарё (**115,1 %**), Бухоро (**114,6 %**), Тошкент (**114,3 %**), Хоразм (**114,3 %**), Андижон (**114,1 %**), Самарқанд (**114,1 %**), Жиззах (**114,0 %**) ва Тошкент шаҳрида (**116,9 %**) ҳам кузатилди.

3-расм. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръатлари, 2026 йил январь–июнь



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажми](#)

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати](#)

2026 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **374 210,9** млрд сўмни ёки бозор хизматлари умумий ҳажмининг **56,3** фоизини ташкил этди. 2025 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати **115,8** фоизга тенг бўлди. Кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича баҳолаш статистик ҳисобот маълумотлари, кузатув натижалари ҳамда Миллий статистика қўмитаси томонидан қўлланиладиган баҳолаш тартиб-таомиллари асосида шакллантирилади.

Хизматлар ҳажмида кичик бизнеснинг энг юқори улушлари Фарғона вилоятида (**76,1%**), шунингдек, Сурхондарё (**75,1%**), Андижон (**74,8%**), Қашқадарё (**73,7%**), Жиззах (**71,8%**), Тошкент (**71,3%**), Наманган (**71,3%**), Бухоро (**71,1%**), Хоразм (**70,4%**) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (**69,9%**) кузатилди. Бу ушбу ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кичик тадбиркорлик субъектлари муҳим аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорлик улуши нисбатан паст (**42,4%**) бўлишига қарамай, кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми мамлакатда энг йирик бўлди ва **116 248,9** млрд сўмни ташкил этди.

Сирдарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари кўрсатган хизматлар ҳажми бошқа ҳудудларга қараганда пастроқ. Бу кўрсаткич 2026 йилнинг январь-июнь ойларида **6 457,3** млрд сўмга тенг бўлди.

Ҳудудлар кесимида хизматлар соҳаси бўйича кичик тадбиркорлик кўрсаткичлари
2026 йил январь-июнь

	Ҳажми, млрд сўмда	Жами ҳажмдаги улуши, %да	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	374 210,9	56,3	115,8
ҳудудлар:			
Қорақалпоғистон Республикаси	13 799,0	69,9	113,8
Андижон вилояти	25 438,7	74,8	114,1
Бухоро вилояти	18 194,9	71,1	122,0
Жиззах вилояти	10 581,4	71,8	112,8
Қашқадарё вилояти	23 064,3	73,7	114,1
Навоий вилояти	9 403,5	58,5	116,9
Наманган вилояти	21 880,1	71,3	113,5
Самарқанд вилояти	30 983,3	65,5	113,5
Сурхондарё вилояти	15 609,2	75,1	114,7
Сирдарё вилояти	6 457,3	67,8	115,9
Тошкент вилояти	32 618,7	71,3	113,0
Фарғона вилояти	33 595,3	76,1	114,8
Хоразм вилояти	16 336,3	70,4	110,7
Тошкент шаҳри	116 248,9	42,4	117,4

III. Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўсишининг асосий омили савдо, молия ҳамда транспорт хизматлари ҳажмининг ортиши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги ПҚ-78-сон “Хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли параметрлар доирасида хизматларнинг асосий турлари мониторинги амалга оширилади.

2026 йилнинг январь-март ойлари маълумотларидан бошлаб, савдо хизматлари ҳажмини ҳисоблаш методологиясига қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар захиралари ўзгаришини ҳисобга оладиган ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар халқаро статистик стандартларга мувофиқликни таъминлаш мақсадида халқаро экспертларнинг тавсиялари инобатга олинган ҳолда жорий этилди.

2026 йилнинг январь-июнь ойлари кўрсаткичларининг қиёсланувчанлигини таъминлаш учун реал ўсиш суръати 2025 йилнинг тегишли даври учун қайта кўриб чиқилган маълумотлар асосида ҳисобланди.

Бозор хизматлари умумий ўсишига савдо хизматлари (ўсиш суръати **14,9 %**, умумий ўсишдаги ҳиссаси **3,9 ф.б.**), молиявий хизматлар (**26,3 %**, **3,8 ф.б.**), яшаш ва овқатланиш хизматлари (**11,6 %**, **2,0 ф.б.**), транспорт хизматлари (**14,7 %**, **2,4 ф.б.**), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (**22,1 %**, **1,7 ф.б.**), таълим соҳасидаги хизматлар (**22,7 %**, **0,8 ф.б.**), бошқа хизматлар (**16,3 %**, **0,8 ф.б.**), шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар

(**18,3** %, **0,5** ф.б.), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (**16,8** %, **0,3** ф.б.) ҳамда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (**24,6** %, **0,3** ф.б.) энг катта ҳисса қўшди.

Шунингдек, шахсий хизматлар (**14,2** %), компьютерлар ва маиший буюмларни таъмирлаш хизматлари (**11,4** %) ҳамда ижара хизматлари (**7,4** %) бўйича қўшимча ижобий ҳисса қайд этилиб, улар биргаликда умумий ўсишга **0,4** фоиз банд қўшди.


Мазкур пресс-релизда келтирилган 2025 йилнинг январь–июнь ойларига оид қайта кўриб чиқилган таққослама кўрсаткичлар савдо хизматлари ҳажмини ҳисоблашнинг янгиланган методологиясини ўзида акс эттиради. Шу сабабли ушбу кўрсаткичлардан 2026 йилнинг январь–июнь ойларига нисбатан йиллик таққослашда фойдаланиш лозим.

2026 йилнинг январь–июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо хизматларининг улуши **25,6** %ни, яшаш ва овқатланиш хизматларининг улуши **17,3** %ни, молиявий хизматларнинг улуши **15,7** %ни, транспорт хизматларининг улуши **15,6** %ни, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улуши **7,8** %ни ҳамда таълим соҳасидаги хизматларнинг улуши **3,6** %ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари
2026 йил январь-июнь

	Ҳажми, млрд сўмда		Ўсиш суръати, %да
	2025 йил	2026 йил	
Хизматлар – жами	539 045,2	664 914,4	116,9
<i>шундан:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	40 339,4	51 942,3	122,1
молиявий хизматлар	77 833,1	104 232,5	126,3
транспорт хизматлари	88 303,7	103 936,6	114,7
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	<i>42 955,0</i>	<i>54 589,5</i>	<i>117,1</i>
яшаш ва овқатланиш хизматлари	95 266,2	115 153,8	111,6
савдо хизматлари	140 828,0	169 953,7	114,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	13 442,6	16 222,2	118,3
таълим соҳасидаги хизматлар	18 805,9	23 772,6	122,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	9 051,8	11 256,0	116,8
ижара хизматлари	6 590,1	7 554,7	107,4
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	6 650,8	7 791,7	111,4
шахсий хизматлар	9 582,0	11 917,3	114,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	6 541,4	8 935,2	124,6
бошқа хизматлар	25 810,2	32 245,8	116,3

4-расм. Асосий турлар бўйича кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми
2026 йил январь–июнь, млрд сўм



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг асосий турлари бўйича ҳажми](#)


Қайта кўриб чиқилган таққослаш базасидан фойдаланган ҳолда, 2026 йилнинг январь-июнь ойларида савдо хизматлари ҳажми 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **29 125,7** млрд сўмга ўсиб, **169 593,7** млрд сўмни ташкил этди.

Савдо хизматларининг умумий ҳажмида энг катта улуш — **41,5 %** чакана савдо хизматларига тўғри келди. Улгуржи савдо хизматларининг салмоғи **38,2 %** га етди. Автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси, жумладан уларни таъмирлаш бўйича хизматлар савдо хизматлари умумий ҳажмининг **20,3 %** ини ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-июнь ойларида нисбатан яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажми **19 887,6** млрд сўмга ошиб, **115 153,8** млрд сўмни ташкил этди. Яшаш ва овқатланиш соҳасидаги хизматларнинг асосий қисми — **96,3 %** озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар билан таъминлаш хизматиға тегишли бўлди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида транспорт хизматлари ҳажми **103 936,6** млрд сўмга етди. Транспорт хизматлари таркибида автомобил транспорти хизматлари устунлик қилди — **52,5 %**, яъни **54 589,5** млрд сўм. Транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши юк ва йўловчи ташиш соҳасидаги фаолликнинг ортганини акс эттиради.

Транспорт хизматлари ҳажмининг турлари бўйича таркиби, фоизда
2026 йил январь-июнь




2025 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 2026 йилнинг мос даврида молиявий хизматлар ҳажми **26 399,4** млрд сўмга ортиб, **104 232,5** млрд сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати **126,3 %** га тенг бўлди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида ёрдамчи молиявий фаолият, суғурта ва пенсия таъминоти хизматларидан ташқари молиявий хизматларнинг улуши **87,9 %** ни ташкил қилди. Суғурта хизматларининг солиштира оғирлиги **6,6 %** ни, ёрдамчи молиявий фаолият хизматлариники эса **5,5 %** ни ташкил этди.

2026 йилнинг кўриб чиқиладиган даврида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми **51 942,3** млрд сўмга етди. Энг катта улуш компьютер дастурлаш хизматлари ҳиссасига тўғри келди — **48,2 %**. Шунингдек, кўриб чиқиладиган даврда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг умумий ҳажмидан телекоммуникация хизматлари улуши **27,0 %** ни, ахборот соҳасидаги хизматлар **16,6 %** ни, ноширлик хизматлари **6,0 %** ни, бошқа хизматлар эса **2,2 %** экани қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг турлари бўйича ҳажми
январь-июнь, млрд сўмда



Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркибида компьютер дастурлаш хизматларининг юқори улуши ушбу йўналишнинг рақамли хизматларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми **23 772,6** млрд сўмни ташкил этиб, уларнинг таркибида олий таълим хизматлари улуши **42,4 %** билан устунлик қилди.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг умумий ҳажмида (**16 222,2** млрд. сўм) ўзига тегишли ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш бўйича хизматларнинг улуши **90,8 %** ни ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми **11 256,0** млрд сўмни ташкил этди. Бунда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар улуши **53,7 %** ни, шифохона муассасалари хизматлари **31,8 %** ни, шифокорлик амалиёти ва стоматология хизматлари эса **14,5 %** ни ташкил этди.

IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичларига изоҳлар

Пресс-релизда бозор хизматлари ҳажми жорий нархларда келтирилган. Ўсиш суръатлари тегишли нарх ва тариф индексларидан фойдаланган ҳолда таққосланадиган нархларда ҳисобланади. Шу муносабат билан қиймат ифодасидаги ўзгаришлар ва кўрсатилган хизматларнинг реал ҳажмидаги ўзгаришлар алоҳида талқин қилиниши лозим. Минг сўмда ифодаланган жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар ҳам жорий нархларда келтирилган бўлиб, уларнинг ўсиш суръатлари таққосланадиган нархларнинг тегишли методологиясига мувофиқ талқин қилиниши лозим.

Маълумотлар норасмий ва кузатилмайдиган иқтисодий баҳолаш учун фойдаланиладиган статистик кузатувлар натижалари инобатга олинган ҳолда тақдим этилган.

Маълумотлар дастлабки ҳисобланиб, кейинги нашрларда уларга аниқликлар киритилиши мумкин.

Хизматларнинг ойлик ҳажми қўйидаги манбалар асосида шакллантирилади:

а) тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан ташқари), юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари – тижорат ташкилотлари, шунингдек, нотижорат ташкилотлар (рўйхат бўйича) бўйича статистик ҳисоботлар;

б) кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ойлик телефон сўровлари, чораклик кузатувлар маълумотлари ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот натижалари асосида баҳолаш;

в) фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тегишли статистик ҳисобот шакллари бўйича баҳолаш;

г) яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатув натижалари асосида баҳолаш.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми – муайян даврда истеъмолчиларга (шу жумладан норезидентларга) хизмат кўрсатувчи барча ишлаб чиқарувчилар, яъни ҳам хизмат кўрсатишга ихтисослашганлар, ҳам хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиганлар томонидан кўрсатилган хизматлар қийматидир.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида хизматлар учун ҳисобланган тўловлар ҚҚС ва акцизларсиз, амалдаги бозор нархларида ҳисобга олинади.

Агар хизматлар олди-сотди объекти бўлиб, иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли нархларда (ишлаб чиқарувчи харажатларини тўлиқ ёки сезиларли даражада қоплайдиган) сотилса, маҳсулот бозорбоп ҳисобланади. Тўлов нақд пул, банк карталари ва пул ўтказмалари, жумладан электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Улгуржи ва чакана савдо корхоналари учун маҳсулот ҳажми қайта сотиш учун мўлжалланган товарларни сотишдан тушган тушум ва уларни сотиб олиш харажатлари ўртасидаги фарқ ҳамда қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар захирасидаги ўзгаришлар йиғиндиси сифатида аниқланади (Eurostat, Handbook on prices and volume measures in national accounts, 2016).

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаса) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан транзакция санасида белгиланган сўм курси бўйича шартнома нархларида қайта ҳисобланади.

Хизматларни фаолият турлари бўйича таснифлаш Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) статистик таснифлагичига мувофиқ амалга оширилади.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Маҳсулотлар статистик таснифлагичи (МСТ)нинг G–S секциялари қисмида таснифланган барча иқтисодий фаолият турлари бўйича шакллантирилади.

V. Фойдали ҳаволалар

Кўрсатилган бозор хизматларининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (МСТ)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) статистик таснифлагичининг G, H, I, J, K, L, M, N, O, P, Q, R ва S секциялари кодлари батафсил (кенгайтирилган) рўйхати

Handbook on prices and volume measures in national accounts

Тайёрлаш учун масъул:
Хизматлар соҳаси статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.
Электрон почта: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (1280, 1281)

